



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 54 (13.901)

Баҳоси эркин нарҳда

БЕШТА ТАШАББУС БЎЙИЧА ДАСТУРЛАР ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 апрель куни ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Аввал хабар қилинганидек, 19 март куни бу борада видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, бирламчи вазибалар белгилаб берилган эди. Уларга мувофиқ ҳар бир ташаббус бўйича чора-тадбирлар дастурлари лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Йиғилишда мазкур дастурларга киритилган таклифлар, уларни амалга ошириш механизмлари муҳокама қилинди.

Хусусан, биринчи ташаббус бўйича ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этишга оид дастур лойиҳаси тайёрланган. Унга мувофиқ, 2019-2020 йилларда 14 дан 30 ёшгача бўлган 2 миллион нафар ёшни маданият ва санъат соҳасига жалб этиш бўйича ҳудудий "йўл харита"ларини тасдиқлаш кўзда тутилган. Шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактабларида қўшимча синфлар, маданият марказларида қолғу, хонандалик, тасвирий санъат тўғрисидаги, ҳаваскорлик театр жамоалари ва болалар ансамбллари ташкил этиш белгиланган. Янгидан қуриладиган, реконструкция ва капитал таъмирланадиган ҳамда жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхати ҳам шакллантирилган.

Давлатимиз раҳбари дастур лойиҳасида тадбирларни амалга ошириш механизмлари етарли эмаслиги, ҳар бир шаҳар ва туманга ижодий маслаҳатчи сифатида бириктирилган соҳа намояндаларининг амалий вазибалари аниқ белгиланмаганини қайд этди. Ҳудудий "йўл харита"лари ижросини ти-

зимли ташкил этиш, тўғрақ ва синфларга қамраб олинган болаларни рағбатлантириш, жумладан, турли танловлар ўтказиш зарурлигини таъкидлади.

Белгиланган қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари, шунингдек, маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактабларини зарур қолғу асбоблари билан таъминлаш учун тегишли маблағ ажратиш бўйича топшириқ берилди.

Иккинчи ташаббус юзасидан тайёрланган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, спорт иншоотлари қувватини оширишга қаратилган дастур лойиҳасида яқин 2 йилда ҳар бир туманда энгил конструкцияли, сендвич панелли кичик спорт заллари қуриш белгиланган.

Президентимиз мавжуд ва янги қуриладиган спорт иншоотларига аҳоли ва ёшларни кенг жалб этиш, оммавий спорт тадбирларини ўтказишни янада кўпайтириш кераклигини таъкидлади.

Учинчи ташаббусга мувофиқ аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш чора-тадбирларига оид дастур лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унда 2019-2020 йилларда туман ва шаҳарларда рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этиш ва уларда бепул таълим бериш, 19 мингга яқин ижтимоий соҳа объектларини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш кўзда тутилган.

Йиғилишда аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш, ахборот технологияларига қизиққан бо-

ларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ва малакали мутахассис даражасига олиб чиқиш, дастурий маҳсулотлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш чора-тадбирлар дастури лойиҳаси тўртинчи ташаббус мақсадларини амалга оширишга қаратилган. Унга қўра, ҳар бир ҳудудга 1 миллион донадан бадиий, тарихий, илмий, оммабоп мавзулардаги китоблар етказиб бериш кўзда тутилган. Шунингдек, ахборот-кутубхона марказларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, тадбиркорлар томонидан халқ кутубхоналари очиб ҳам белгиланган.

Бешинчи ташаббус бўйича ҳудудларда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари дастури лойиҳаси тайёрланган. 2019-2020 йилларда ҳар бир туманда энгил конструкцияли тикув-трикотаж корхоналарини қуриш ва аёллар учун иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда ушбу корхоналарни пухта ҳисоб-китоб асосида ташкил этиш, уларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бозорини, яъни аниқ харидорини топиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутаассадларнинг ахборотлари эшитилиб, дастурлар лойиҳаларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

АҲОЛИ МУАММОЛАРИ БИЛАН ИШЛАШДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ МАВҚЕИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фуқароларимизнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш бўйича олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширишда жамиятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Маҳалла жамията тинчлик-товуқлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, оилалар жипслилигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этишда халқимизга энг яқин ижтимоий тузилма ҳисобланади.

Шу билан бирга, фуқаролар йиғинларининг уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини аниқлаб, оғирини энгил қилиш борасида давлат идоралари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари (кўпинга ўринларда

Халқ қабулхоналари деб юритилди) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда – секторлар) билан ҳамкорлигини кучайтириш, моддий-техника таъминотини яхшилаш ҳамда соҳа ходимлари меҳнатини муносиб баҳолаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилмоқда.

Маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш, фуқаролар йиғинлари ишини ташкил этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш, соҳага малакали, бой ҳаётий тажрибга эга ва фидойий кадрларни жалб этиш мақсадида:

1. Мурожаатлар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича "маҳалла – сектор – Халқ қабулхонаси – маҳалла" принципи асосида ҳамкорлик тизими жорий қилиниб, қуйидагилар мазкур тизимнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

(Давоми 2-бетда)

САУДИЯ АРАБИСТОНИ ИШБИРАМОН ДОИРА ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Саудия Арабистони Қироллиги Савдо-саноат палаталари кенгаши бош котиби Сауд бин Абдулазиз ал-Машарий бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлиб турибди.

Маълумки, 2018 йил декабрь ойи бошида Саудия Арабистонидан Ўзбекистон делегацияси Саудия инвестициялар бўйича агентлиги раиси Иброҳим ал-Умар ҳамда Саудия тараққиёт фонди маслаҳатчиси Юсуф ал-Бассам билан музокара-лар ўтказган эди.

2018 йилнинг 12 декабрь куни Саудия Арабистони Қироллиги Савдо-саноат палаталари кенгаши раиси Сами бин Абдуллоҳ ал-Убайдий бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи эса ҳар икки томон ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришдан бирдек манфаатдор эканини кўрсатди. Урашувлар чоғида савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришни истикболли йўналишлари муҳокама қилинган эди.

Сауд бин Абдулазиз ал-Машарий бошчилигидаги ишбилармон доира вакиллари бу гаги ташрифи ана шу музокара-ларнинг манткий давоми бўлиб, унда икки мамлакат ишбилармон доиралари савдо-иқтисодий ҳамкорлиги мустаҳкамлаш, қўша корхоналарни кўпайтириш, инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фикр алмашиш имконига эга бўлди.

Делегация таркибидан Саудия Арабистонининг савдо-иқтисодий, озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги, тўқимачилик саноати, қурилиш, энергетика каби соҳаларда фаолият олиб борадиган 20 дан зиёд компания вакиллари ўрин олган. Улар орасида "Far East", "Award Group", "Dhel al-Nakheel", "Rabee company", "Dollar Construction Est", "Acwa Power" каби компаниялар вакиллари ўзбекистонлик тадбиркорлар билан қишлоқ ҳўжалиги, эн-

гил саноат, озиқ-овқат, туризм, савдо, энергетика каби соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш истагида, Тошкентда 3 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон – Саудия Арабистони бизнес урашувидан уларнинг ҳамкорлик борасидаги таклифлари кўриб чиқилди.

Урашувда мамлакатимизнинг Тошкент шаҳри, вилоятларида қишлоқ ҳўжалиги, тўқимачилик, туризм, озиқ-овқат соҳаларида фаолият юритаётган 100 дан зиёд ишбилармон доиралар қатнашди. B2B форматда кенг музокара-ларда икки мамлакат табиркорлари таклиф этган қўша лойиҳалар тақдими ўтказилди.

Мамлакатимизда Саудия Арабистони ишбилармонлари капитали иштирокида агро туристик база ташкил этиш ва "М 1000" маркали цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ана шундай истикболли лойиҳалардан бири сифатида ҳамкор мамлакат тадбиркорларидан катта қизиқиш уйғотди.

Бугунги бизнес тадбирда Саудия Арабистонининг "Far East" компанияси вакиллари билан Андижон вилоятида меконхона қуриш бўйича дастлабки келишувга эришдик, – дейди тадбиркор Маруфшоҳ Абидшаев. – Келишувга мувофиқ, меконхона лойиҳаси экспертизадан ўтказиш учун ҳамкор томонга тақдим этилади. Шундан сўнг "Far East" вакиллари лойиҳани амалга оширишга доир сармоа киритиш масаласини кўриб чиқадди.

Ташриф доирасида Саудия Арабистони делегацияси Хоразм вилоятида бўлиб ўтадиган халқаро инвестиция форумида ҳам иштирок этди.

Малоҳат ҲУСАНОВА

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқсўжаевнинг навбатдаги сайёр қабули Мирзо Улугбек туманидаги "Гулшан" маданият марказида ташкил этилди. Сайёр қабулда уй-жой, ободонлаштириш, йўллари таъмирлаш ва бошқа ижтимоий, иқтисодий масалалар бўйича мурожаатлар кўриб чиқилди.

Масалан, мурожаат қилганлардан бири Дарья Қурбанова "SOS" номли Меҳрибонлик уйда тарбияланган, унинг Мирзо Улугбек тумани, Олтинтепа 2-тор кўчасида уйи бўлгани боис, Меҳрибонлик уйдан уй-жой ажратиб берилмаган. Бироқ, Дарьянинг ушбу манзилдаги уйи бузилган ва натижада фуқаро уйсиз қолган. Тошкент шаҳар ҳокимининг топшириғи билан унга уй олиши учун ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

Мирзо Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 214А-уйда яшовчи Манзура Илҳомжонова уйи олдидаги бетонни олиб ташлаш ҳамда жойини чиқинди уюмларидан тозалаш бўйича мурожаат қилди. Ушбу муаммони ҳам 2 кун ичида ҳал этиш бўйича кўрсатма берилди.

Мазкур сайёр қабулда 30 га яқин фуқаролар мурожаат қилган бўлсалар, мурожаатларнинг 80 фоизи ижобий ҳал этилди, қолгани эса мутаассадларга ўрганиб чиқиш учун тавсия берилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати



ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани болалар-ўсмирлар спорт мактабида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва спорт ўйинларига оммавий тарзда жалб қилиш мақсадида "Ёшлар бирлиги – юрт тинчлиги" шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик спорт фестивали ўтказилди.

Президентимизнинг 2018 йил 4 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ва Ўзбекистон Республи-

каси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги "Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида туман ҳокимлиги, прокуратураси, мудофаа ишлари бўлими, Ўзбекис-

тон ёшлар иттифоқи ва бир қатор мутаассад ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мубоҳабда ҳудуддаги 11 та касб-ҳунар коллежи, академик лицей жамоалари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

- Аҳмад Фарғоний номидаги Фарғона вилоят ахборот-кутубхона марказида Соҳибқирон Амир Темураваллудининг 683 йиллигига бағишлаб "Шарқнинг буюк ҳукмдори" деб номланган маърифий тадбир бўлиб ўтди.
- Наманган вилояти давлат солиқ бошқармасида "Давлат солиқ хизмати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КИМЁ САНОАТИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА УНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда кимё саноати корхоналарини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва уларнинг фаолиятини барқарорлаштириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, углеводород хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш бўйича янги қувватларни барпо этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали тармоқни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб бериш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, кимё саноатини жадал ривожлантириш ва диверсификация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалда рўёбга чиқариш, энг аввало, давлат активларида хусусий мулкка сотиш ҳисобига корхоналардаги давлат улушини қисқартириш, корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этиш ҳамда корхоналарнинг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш

орқали тармоқнинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш бўйича таъсирчан чоралар қурилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Кимё саноатини янада ривожлантириш, унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш ва тармоқни диверсификация қилишга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмларини кенгайтириш мақсадида:

1. "Ўзкимёсаноат" АЖнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда оптималлаштирилган ва янги истикболли лойиҳалар билан тўлдирилган, ҳисобланган қиймати 12,1 миллиард АҚШ долларига тенг, шу жумладан, 1,7 миллиард АҚШ долларига миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига 31 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга назарда тутувчи ҳамда қўйилгиларга қаратилган 2019-2030 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури 1-иловага мувофиқ маъхуллансин:

(Давоми 2-бетда)

органларда коррупцияга қарши курашиш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари" мавзусида очик мулоқот бўлиб ўтди. Тадбирда коррупцияга қарши курашиш, айниқса, иқтисодиёт қон томири бўлган солиқ соҳасида янада муҳимлиги, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, халқ билан мулоқот ҳар бир солиқ ходими учун кундалик фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозимлиги уқтирилди. Шунингдек, амалга оширилиши лозим бўлган вазибалар белгилаб олинди.

• Термизда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий қисмларида мuddатли ҳарбий хизматни ўташ учун келган ёш ас-

ЖАҲОНДА

- Сан-Франциско суди киберфирибарлик жинояти учун АҚШда 27 йиллик қамоқ ҳазосига ҳукм қилинган россиялик Роман Селезневнинг апелляциясини қабул қилмади.
- Санкт-Петербургдаги Можайский номидаги ҳарбий академияда рўй берган ёнғин натижасида тўрт киши жабрланди. Академия ҳудудидан қўлбола бомба қолдиқлари топилганлиги учун бир неча кишининг жонига қасд қилиш бўйича ушбу ҳодиса юзасидан жиноий иш очилди.

ЖУРНАЛИСТЛАР ҚОЗОҒИСТОН ОАВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

27-29 март кунлари Қозоғистон Республикаси пойтахти – Нур-Султон шаҳрига Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистондан ташриф буюрган журналистлар учун пресс-тур ташкил этилди.

Ушбу тадбир муносабати билан ташкил этилган учрашувда Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Бейбут Атамқулов ва бошқалар сўнгги йилларда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар сезиларли даражада фаоллашганини алоҳида қайд этди. Масалан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги товар айланмаси 3 миллиард АҚШ долларидан ошди, ўзаро инвестициялар ҳажми кўпайди, кўплаб қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда, давлат чегаралари очилди. Хали ишга солинмаган салоҳиятдан фойдаланган ҳолда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ошириш ва шу орқали минтақанинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Пресс-турнинг бошланишида журналистлар қозоқ халқининг қадим тарихий ўтмиши, бугунги куни ва эзгу интилишларини акс эттирувчи "Астана-Байтерек" монументига ташриф буюрдилар. 97 метрли маҳобатли иншоотдан Президент қароргоҳи, Тинчлик ва ҳамжиҳатлик саройи, Мустақиллик саройи, Нур-Остона масжиди, турар жой комплекслари ва бошқа объектлар аяққол кўзга ташланади.

Журналистлар Нур-Султонга ташриф давомида бир қатор компания вакиллари билан учрашди. "KazakhExport" экспорт сўғурта компанияси" АЖ, "Остона" халқаро молия маркази, "Astana Hub" IT-стартаплари халқаро технопарки шулар жумласидандир. Шу муносабат билан ташкил этилган учрашувларда

раҳбарият томонидан компаниялар фаолиятига доир маълумотлар тақдим этилди, янги имкониятлар намойиш қилинди. Масалан, "Astana Hub" технопаркида журналистлар замонавий кулай коворкинг-марказлар, маъруза заллари, прототиплаш лабораторияси, 50 ўринга мўлжалланган Event Hall, медиа-студия, бизнес-галерея билан танишди, IT-лоийхалари ишлаб чиқувчилари билан мулоқот қилди. "Astana Hub" бош директори Адилет Нургожин Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Утган йили Тошкентдаги Инха университетида бўлиб ўтган Ўзбекистон – Қозоғистон IT-форуми ҳамда икки мамлакат ишбилармон доира вакиллари билан бизнес-форумлари давомида имзоланган ҳамкорлик меморандумлари бунинг аяққол далилидир.

Шунингдек, "НК "Қазақстан Гариш Сапары" акциядорлик жамиятида "Қосмик аппаратларни йиғиш-синдрондан ўтказиш комплекси ташкил этиш" лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди. Унда компаниянинг Миллий қосмик марказини қуриш ва эксплуатация қилиш масалалари бўйича бошқарув раиси ўринбосари Рашид Абдуразақов қосмик йўлдош яратиш ҳақида батафсил сўзлаб берди, қўлланаётган замонавий ускуналар намойиш этилди. Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида қосмик соҳада ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандум имзолангани қайд этилди, Ўзбекис-

тон ҳудудларини қосмик мониторинг қилиш, хусусан, Сурхондарё вилоятининг қосмик суратларини тайёрлаш ҳамда мамлакатимизнинг қосмик йўлдошини яратиш лойиҳалари ҳақида сўзлаб берилди. Буларнинг барчасига давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 12 апрелдаги Ўзбекистон Республикасида қосмик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан бу йўналишдаги амалий чора-тадбирлар самарасида эришилди.

Журналистларни маҳаллий телеканаллар фаолияти билан таништириш мақсадида Қозоғистон медиа маркази – Қозоғистон Марказий коммуникациялар хизматига экскурсия ташкил этилди. Бу ерда улар кино-концерт зали, виртуал студия, "Хабар" ва "Хабар 24" телеканалларининг янгиликлар студияси, монтаж ва режиссёрлик хоналарини томоша қилдилар.

– "Хабар 24" ахборот телеканали студияси бутунлай роботлаштирилган, – дейди Қозоғистон медиа марказининг Стратегик ривожланиш департаменти лойиҳалари менежери Асил Тургаев. – Бу ерда жойлашган тўртта камера рельслар бўйлаб ҳаракатланади, уларнинг ҳар бири ўз траекторияси ва уларга топширилган дастур бўйича ҳаракатланади. Ёритиш тизими ҳам роботлаштирилган: у автоматик тарзда бошқарилади. Ушбу студияда янгиликлар, интервью суратга олинади, иш чоғида бу ерда фақат бошловчи ва сурдотаржимон бўлади, холос.

Қозоғистоннинг ишлаб чиқариш ва илмий-техник салоҳияти билан танишиш мақсадида журналистлар "ЦЕНА-АСТЫҚ" концернининг мақорон ишлаб чиқариш цехи, "ЭКСПО-2017" ҳудудидаги "Нур Алем" Қозоғистон павильони ва бошқа объектларга ташриф буюрдилар.

Марказий Осиё ОАВ вакиллари мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар ва ўз фаолиятларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича тажриба алмашдилар.

М.АНИСИМОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

"Сергели кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" давлат унитар корхонаси
Сизларни кичик саноат зонаси ҳудудидаги мавжуд бўш ер майдонлари ва бино-иншоотларини узоқ муддатли ижарага бериш бўйича ўтказиладиган танловга ТАКЛИФ ЭТАДИ

"Сергели кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" ДУК

Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Лутфкор 1-тор кўчаси, 1-уй.

Умумий ер майдони: 11,83 га.

Ижарага бериладиган бўш ер майдони: 2 та лот 1600 м².

Ижарага бериладиган бўш бино-иншоот: 2 та лот 2434 м².

Кичик саноат зонасининг йўналиши: саноат ва халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

Мавжуд муҳандислик коммуникациялар: электр, газ, сув ва оқова сув тармоқлари.

Танловда қатнашиш учун таклифларни қабул қилиш тартиби ва муддати:

Танловда иштирок этишни истаган тадбиркорлик субъектлари бир ёки бир неча лотларга таклифларни топширишлари мумкин.

Таклифлар 2019 йилнинг 1 май куни соат 18:00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: (71) 231-76-14, (98) 300-87-97, (93) 588-20-20.

Архивлар фаолиятдан

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИНИНГ ЎЗИГА ХОС ҚИРРАЛАРИ АКС ЭТГАН

Хива хонлари архиви ўзининг бой меросий ёдгорликлари билан бугунги ёш авлодни ҳам қизиқтириб келиши ҳеч шубҳасиздир. Хива хонининг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивда 125-фондда сақланмоқда.

Ушбу фондда Хива хонлигида давлат бошқаруви, хоннинг ёрликлари, халқаро дипломатик алоқалар, ходимларни мансабга тайинлаш, оддий фуқароларнинг хонга тўғридан-тўғри мурожаати, ер ҳосилининг ҳисоб-китоби, соқилқар, закот, савдогарларнинг шахсий қўлликлари, хоннинг байғамбар авлодларидан бўлган фуқароларга ва илм аҳлига тақдим этган солиқлардан имтиёз берувчи ёрликлари, никоҳланиш учун қозининг руҳсатномаси каби тарихий архив ҳужжатлари мавжуд.

Шу билан бирга давлатлар ўртасида дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, савдо-сотикни ривожлантириш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар ўрин олган. Хива хонлигининг Англия давлати билан ўзаро халқаро алоқалари ҳақида ҳужжатлар келтирилган бўлиб, мисол учун хон Англия давлатига ёзган мактубини ўзининг мулозим навкарларидан бўлган Маҳмуд Ниёз орқали жўнатиб, навкар Англияга қайси давлатлар орқали бориши маълум қилиниб, шу давлатлар мулозимларидан навкарнинг бежавотир ўтишлигини хон илтимос қилган (Форсий тилда битилган бу мактубни ўрганган америкалик бир сайёх, бу ҳужжат учун 100 миң доллар таклиф қилган эди. Лекин ҳужжат қимматдорлиги тўғрисидаги мамлакатимиз ҳудудида олиб қилинган).

Ҳужжатларнинг тарихан нақадар қимматлиги боис нафақат ўзбек халқи, балки халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ҳимояга олинган эътиборга лойиқдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "ЎзАрхив" агентлиги томонидан "Хива хонлиги архив ҳужжатлари" фондининг ЮНЕСКОнинг "Жаҳон хотираси" халқаро рўйхатига киритилганлиги юзасидан 2018 йил 22 май куни "Пойтахт" бизнес марказида тақдимоти (сертификат топшириш) маросимини ўтказилганлиги Хива хонлиги архиви ҳужжатлари нақадар бойлигини билдиради.

Хива хонларининг тарихисини Баёний руслар Хива саройини мусодара қилганида 300 та китобни олиб кетганликларини қайд қилиб ўтади. Лекин юқоридаги ҳужжатлар билан биргаликда Хива хонлиги архивда кўләмалар ҳам тўпланган. Бу ҳужжатлар икки гуруҳга бўлиниб хонлиқнинг даромадлари ва харажатларига доир дафтарлар ҳамда бир қанча вақф ва мулк ҳужжатларини, иккинчи гуруҳга хатлар ва дипломатик ёзишмаларни киритиш мумкин. Дафтарлар орасида пул солиқларига доир ёзувлар, (салут), закот дафтарлари ва Матмурод девонбегининг хон харажатлари тўғрисида ҳисоботлари бор. Сўнгра шу ҳужжатлар орасида Бухорода, Фазалида, Истамбулда ва бошқа жойларда савдо ишлари билан яшаб турган хивалиқларнинг хонга юборган илтимосномалари, низоларни ҳал қилиб бериш тўғрисида ёзилган имкониятномалари, бирор мансаб бериш тўғрисида илтимосномалари ва шу қабили бор. Дипломатик ҳужжатлар орасида Ост-Индия генерал-губернатори Нарскбрўнинг хати, рус элчиси Данилевский билан Хива хони ўртасида тузилган ахднома ҳамда Туркистон генерал-губернаторлари томонидан хонга юборилган бир неча мактуб бор бўлса-да, улар сони ҳеч қаврда кўрсатилмаган. Сарой харажатларига доир далилларни синчи хара-

ўрганиш орқали биз сарой турмушини, хон ва бошлиқ ҳукмрон табақанинг ахлоқи ва сарой зиёфатлари ҳақида маълумот олишимиз мумкин. Харажат дафтарларига ёзилган маълумотлар товар-пул муносабатларининг ривожланиши натижасида сарой ва бутун жамият ҳаётида юз берган ўзгаришларни билиб олишимизга имкон беради. Шу билан биргаликда дафтарлардан биз юқоридаги харажатлардан ташқари, бошқа мақсадлар учун қилинган, ўзига хос харажатлар тўғрисида ҳам маълумот олишимиз мумкин эди. Масалан, Хивада ўша даврда ҳукумат орден ёки медаллари бўлмаган. Узини кўрсатган ҳарбий ва амалдорларга мукофот тарихисида пул, ер-сув, чорва ёки қимматбахо буюмлар берилар эди. Хонлик учун бажарилган турли ишлар ва қилинган хизматлар учун ғалла ва бошқа шу каби маҳсулотлар билан ҳақ тўланган. Кейинги ҳужжатларда хонлиқдаги иқтисодий ўзгаришлар юз бериши муносабати билан пул харажатларга ўтила бошланган. Бу ҳодиса 1855 йилларда юз берганлиги аниқланган. Архив ҳужжатлари фақат саройдаги ички ҳаётни тўлиқ ва ҳар томонлама кўрсатибгина қолмай, айни вақтда Хива хонлигидаги халқ оммасининг аҳолисини ҳам тўла-тўқис акс эттирган. Архив маълумотларига кўра Хива хонлигининг ягона расмий марказлашган архиви XIX асрда вужудга келган. Тарихчиларнинг маълумотларига кўра, саройдаги архив ҳужжатлари хазина билан бир қаторда алоҳида бинода жуда ахтиёткорлик билан махфий ҳолда сақланган. Муқовалари пишиқ ишланган ва янги сақланган дафтарлар бўлса-да, уларни бемалол ўқиш анча мураккаб ҳисобланади. Кўпгина ҳужжатларнинг ёзилган йили ҳамда ким томонидан ёзилганлиги, кимга тегишли эканлиги ҳам маълум эмас. Шунингдек, архив ҳужжатларининг тили, хати ва услуби ўзига хос хусусиятга эга, чунки бу ҳужжатлар чет кишилар учун эмас, балки кичик бир гуруҳ учун ёзилган.

Тадқиқотчи М.Йўлдошев матонат ва сабот билан архив ҳужжатларини тадқиқ қилиб уларни кенг жамоатчиликка етказиб берди. Унинг Хива хонлари архиви устида олиб борган тадқиқотлари натижасида Шарқ ҳаётида бутун бир тарихий давр янгича ёритишга муваффақ бўлинди. Чунки, тарихини ҳар томонлама мукамал ва аниқ баён қилишда архив ҳужжатлари ҳар доим бирламчи манба ҳисоблаб келинади. Утган асрнинг 60 йилларидаёқ кўпгина совет тарихчиларининг ўзбек давлатчилиги тарихи ривоят ва афсоналар асосида тузилган, деган фикрларини рад этиб бўлмас далиллар билан аслида ҳақиқат қандай бўлган эканлигини баён қилган манбалардан бири, бу – Хива хонлиги архив ҳужжатлари эканлиги шубҳасиздир. Хива архив ҳужжатларининг аҳамияти шундаки, уларда ўзбек давлатчилигининг бир қисми бўлган Хива хонлиги ҳақида маълумотларни бус-бутун, ҳеч қандай бўёқларсиз баён этилганлигидир. Бу ҳужжатлар ўрганилган сари тарихимиз учун номалум бўлган янгидан-янги қирралар акс этиб бораверади.

Д.АБДУВОХИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Илмий-техникавий ва тибийёт ҳужжатлари Марказий давлат архиви кичик илмий ходими

КИТОБ – ИЛМ МАНБАИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 19 март куни ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Унда давлатимиз раҳбари аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш масаласига алоҳида тўхталиб: "Ҳар бир раҳбар ўзининг шахсий кутубхонасидан ўзи таълим олган мактаб кутубхонасига китоблар совға қилса, бу яхши ташаббус бўлиб китобхонликни ривожлантириш билан фарзандларимиз тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади", деб таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнгин хавфсизлиги институти бошлиғи ва унинг ўринбосарлари мамлакатимиз Президентининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, шахсий кутубхоналардан Яшнобод туманидаги 30-сонли Меҳрибонлик уйи ва Ўртачирчиқ туманидаги 124-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатига бориб 400 га яқин ўзбек ва жаҳон адабиётига оид бадиий китобларни совға қилдилар. Улар орасида севимли адабларимиз – Абдулла Орипов, Ўткир Хошимов, Эркин Воҳидов, Худойберди Тўхтабоев, Мухаммад Юсуф, Тоҳир Малик ва бошқа жаҳон адабиёти намояндаларининг асарлари борлиги болажонлар томонидан илиқ кўриб олинди.

– Дарҳақиқат, ўқишдан тўхтаган одам фикрлашдан ҳам тўхтади, деган эди донишмандлардан бири, – дейди 30-сонли Меҳрибонлик уйи директори Феруза Усмонхўжаева. – Ҳар қандай давлатнинг келажаги маърифатли ёшлар билан белгиланади. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шу боис билим эгаллаш, доим мутолаа қилиш барчамизнинг вазифамизга киради. Айниқса, мамлакатимиз шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда мукамал билим учун курашадиган вақт келди. Китоб тафаккур, маънавият, ахлоқ ва тарбия манбаи экани, унинг инсон камолоти йўлида тутган ўрни ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожаги йўқ. Бугунги тўхфа тарбияланувчиларни бениҳоя қувонтириб оворди. Чунки, болаларимиз китобни севувчи, билимга чанқоқ ва ўз устида мунтазам шуғулланиб, истеъдодларини рўёбга чиқаришга интиладилар.

Институт профессор-ўқитувчилари томонидан "Китоб улаш" акцияси давом этмоқда.

Шерали АНВАРОВ,
ИИВ Ёнгин хавфсизлиги институти матбуот котиби

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

"Чилонзор кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" давлат унитар корхонаси
Сизларни корхона ҳудудида жойлашган бино ва иншоотларни имтиёзли равишда ижарага бериш бўйича ўтказиладиган танлов савдоларига ТАКЛИФ ЭТАДИ

АСОС: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2973-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли ва 2017 йил 4 июлдаги 463-сонли қарорлари, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Маъмурий кенгашининг йиғилиши 2019 йил 29 мартдаги 20-сон баёни.

"Чилонзор кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" ДУК

● **Манзил:** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдор кўчаси, 29-уй.

● **Умумий ер майдони:** 708,0 кв.м.

● **Ижарага берилаётган бинолар ва иншоотлар сони:** 2 та лот.

● **Жами ижарага берилаётган майдон:** 708,0 кв.м.

● **Коммуникация тармоғи:** электр энергияси ва совуқ сув билан таъминланган.

● **Танловда қатнашиш учун таклифларни топшириш манзили:** "Чилонзор кичик саноат зонасини бошқариш" ДУК, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2-уй.

Танловда қатнашиш учун таклифларни қабул қилиш муддати: 2019 йил 1 май соат 18:00 гача.

Танлов ўтказиш санаси: 2019 йил 2 май соат 09:00.

Танлов ўтказиш манзили: "Чилонзор кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" ДУК, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 2-уй.

Маълумот учун телефонлар: 277-29-62, 277-29-71.

Электрон почта манзили: dilshodnigmanov@mail.uz

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси
Тошкент шаҳрида жойлашган "KRISTALL AGRO INVEST" ФХ (СТИР 304055671) таъсисчининг 03.04.2018 йилдаги №1 қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Тошкент тумани, Гулистон ҚФЙ, Гулистон ҳудуди манзилида қабул қилинади.
Тел: +99890 178-79-77.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси
Тошкент шаҳрида жойлашган "AGROIMPVEST SERVIS" ФХ (СТИР 304056014) таъсисчининг 03.04.2018 йилдаги №1 қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Тошкент тумани, Гулистон ҚФЙ, Гулистон ҳудуди манзилида қабул қилинади.
Тел: +99890 178-79-77.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси
Тошкент шаҳрида жойлашган "AGROIMPVEST SERVIS" ФХ (СТИР 304056014) таъсисчининг 03.04.2018 йилдаги №1 қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Тошкент тумани, Гулистон ҚФЙ, Гулистон ҳудуди манзилида қабул қилинади.
Тел: +99890 178-79-77.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси
Тошкент шаҳрида жойлашган "AGROIMPVEST SERVIS" ФХ (СТИР 304056014) таъсисчининг 03.04.2018 йилдаги №1 қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Тошкент тумани, Гулистон ҚФЙ, Гулистон ҳудуди манзилида қабул қилинади.
Тел: +99890 178-79-77.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси
Тошкент шаҳрида жойлашган "AGROIMPVEST SERVIS" ФХ (СТИР 304056014) таъсисчининг 03.04.2018 йилдаги №1 қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Тошкент тумани, Гулистон ҚФЙ, Гулистон ҳудуди манзилида қабул қилинади.
Тел: +99890 178-79-77.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси
Тошкент шаҳрида жойлашган "AGROIMPVEST SERVIS" ФХ (СТИР 304056014) таъсисчининг 03.04.2018 йилдаги №1 қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Тошкент тумани, Гулистон ҚФЙ, Гулистон ҳудуди манзилида қабул қилинади.
Тел: +99890 178-79-77.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси
Тошкент шаҳрида жойлашган "AGROIMPVEST SERVIS" ФХ (СТИР 304056014) таъсисчининг 03.04.2018 йилдаги №1 қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Тошкент тумани, Гулистон ҚФЙ, Гулистон ҳудуди манзилида қабул қилинади.
Тел: +99890 178-79-77.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

